

G'IJDUVON TUMANLARARO

IQTISODIY SUDI

200501, Gijduvon tumani,  
Yu.Hamadoniy ko`chasi,54

Tel: (+99865) 572-23-37



G'IJDUVAN INTER-DISTRICT

ECONOMIC COURT

54, Yu.Hamadoniy street,  
Gijduvan, 200501

e-mail: i.gijduvon@sud.uz

PDF

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
ХАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2022 йил 21 апрель Гиждувон тумани 4-2003-2201/343-сонли иш

Гиждувон туманлараро иқтисодий судининг судьяси О.Қўлдошовнинг раислигида, судья ёрдамчиси А.Асадовнинг суд мажлиси котиблигида, аризачининг вакили А.А (ишончнома асосида), аризачи ХХХХнинг, жавобгар “хххх” масъулияти чекланган жамиятига нисбатан банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги аризаси бўйича ишни ХХХХ биносида сайёр, очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қўйидагиларни

**а н и қ л а д и :**

Иш ҳужжатларидан кўринишича, жавобгар “хххх” масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда матнда “жавобгар” деб юритилади) га нисбатан Гиждувон туман Давлат солиқ бошқармаси (кейинги ўринларда матнда “аризачи” деб юритилади)нинг буйруғи билан камерал текшируви тайинланган бўлиб, иш учун аҳамиятли ҳужжатларни тақдим этиш тўғрисида жавобгарга сўровнома юборилган. Жавобгар белгиланган муддатда ҳужжатларни тақдим этмаган ва ушбу ҳолатга маносабат билдирмаган.

Шу сабабли аризачининг қарори билан жавобгарнинг ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялари ўн кунга тўхтатилган. Жавобгар томонидан камерал текширувига оид ҳужжатлар тақдим этилмаганлиги сабабли аризачи иқтисодий судга ариза билан мурожаат қилиб, ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туришни сўраган.

Аризачининг вакили аризани қувватлаб, жавобгар бугунги кунга қадар 2022 йил январь ойи солиқ ҳисоботларни тақдим этмаганлигини билдириб, аризани қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига вакили иштирокини таъминламади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 220-моддасига асосан суд ишда иштирок этувчи шахсларни суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида ушбу Кодексда белгиланган тартибда хабардор қилади. Бунда суд аризачининг зиммасига жавобгарни суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилиш мажбуриятини юклашга ҳақли. Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган



мазкур шахсларнинг келмаганлиги, агар суд уларнинг келишини мажбурий деб топмаган бўлса, ишни кўриб чиқинг учун тўскинлик қилмайди.

Суд, ишни жавобгарнинг иштирокисиз куриб чиқишни лозим топди.

Суд ишдаги барча ҳужжатларни ўраниб, кундан асосларга кўра арз қилинган талабни қаноатлантиришни лозим топади.

Иш ҳужжатларидан кўринишига кўра Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (кейинги ўринларда “СК” деб юритилади) 138-моддасининг бешинчи қисмида кўрсатилган сўралган ҳужжатлар ва тушунтиришлар солиқ органига тегишли сўров олинган кундан эътиборан беш кун ичида тақдим этилиши лозимлиги белгилаб қўйилган бўлсада, жавобгар томонидан белгиланган муддатда камерал текширувига оид ҳужжатлар солиқ органига тақдим этилмаган.

СК 138-моддасининг биринчи қисмига кўра Камерал солиқ текшируви солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботини, молиявий ҳисоботни, шунингдек солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида солиқ органида мавжуд бўлган бошқа ҳужжатлар ҳамда маълумотларни таҳлил қилиш асосида солиқ органи томонидан ўтказилади. Мазкур модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ, камерал солиқ текшируви жараёнида солиқ органи солиқ тўловчидан (солиқ агентидан, учинчи шахсдан) ҳисобга олиш ҳужжатларини, тақдим этилган солиқ ҳисоботига ва ҳисобга олиш ҳужжатларига доир тушунтиришларни, шунингдек солиқ ҳамда йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш билан боғлиқ бошқа ахборотни ушбу Кодекса назарда тутилган тартибда сўраб олиши мумкин.

СК 111-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларига кўра, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун ушбу солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органига камерал солиқ текшируви натижалари бўйича талабномасига тушунтиришлар ва (ёки) тузатишлар белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн кун ичида тақдим этилмаганда қўлланилади.

Суд, жавобгар томонидан 2022 йилнинг январь ойи солиқ ҳисоботларини солиқ органига топширилмаганлигини, солиқ органи томонидан юборилган сўровнома жавобсиз қолдирилганлигини инобатга олиб, арз қилинган талабни қаноатлантириши лозим топди.



“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 19-бандига кўра аризачи ва жавобгар — ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича иқтисодий судларда давлат божи тўлашдан озод қилинганлигини навобатга олиб, суд уни жавобгардан ундирмасликни почта харажатини жавобгар зиммасига юклашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Қонуни 111-моддасининг 111-моддаси, Иқтисодий процессуал кодексининг 176, 177-моддаларини қўллаб суд,

**қ а р о р   қ и л а д и :**

Арз қилинган талаб қаноатлантирилсин.

Жавобгар “хххх” масъулияти чекланган жамиятининг банклардаги барча ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялар (фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ биринчи навбатда кўрсатилган тўловларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувга йўл қўйилмайдиган банклардаги ҳисобварақлар бундан мустасно) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддасининг биринчи қисмига асосан жавобгар томонидан камерал текширувига оид ҳужжатлар тақдим этилгунга қадар тўхтатиб турилсин.

Ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар жавобгар “хххх” масъулияти чекланган жамияти томонидан тўлик бартараф этилгандан сўнг, давлат солиқ хизмати органининг тақдим этиладиган ёзма кўрсатма (қарор) асосида хизмат кўрсатувчи банк томонидан ҳисобварақлар бўйича операциялар тиклансин.

Жавобгар “хххх” масъулияти чекланган жамиятидан аризачи XXXXга олдиндан тўланган 21.600 сўм почта харажатлари ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақалари берилсин.

Мазкур ҳал қилув қароридан норози тараф шу суд орқали ўн кунлик муддат ичида Бухоро вилоят судига апелляция шикоятни бериши (прокурор протест келтириши) мумкин.

**Судья**

**О.Қўлдошов**

